

10 давлатдаги қуролли тўқнашувларда 870 минг бола ҳалок бўлган



07:30 / 23.02.2019 1534

Бу рақам 2013–2017 йилларни, яъни тўрт йилни ўз ичига олади. Маълум бўлишича, ҳалок бўлган 870 минг бола, бу 5 ёшгача бўлган болалар ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, 550 мингта чақалоқ мақсадсиз урушларнинг қурбонига айланган. Бу ҳақда халқаро Save the Children хайрия ташкилотининг ҳисоботида маълум қилинган.

Ҳисоботда айтилишича, уруш давом этаётган ҳудудлардаги болаларнинг сони сўнгги 8 йил ичида 37 фоизга ошган. Бу ҳудудларда болаларга қарши уруш олиб бориш ва улардан худди аскарлардек фойдланаши ҳажми 174 фоизга ошган. Биргина 2017 йилнинг ўзида уруш ҳаракатлари давом этган майдонларда 420 миллион бола бўлган. Бу рақам 2016 йилга қараганда 30 миллионга кўп демакдир.

Ҳисоботда қайд этилишича, болалар ўлимига сабаб бўладиган энг асосий омиллар бу очлик, озиқ-овқат, тиббий ёрдам етишмаслиги ва гуманитар ёрдамнинг киритилмаслигидир. Save the Children ташкилоти раҳбарларидан ҳисобланган Пол Роналдснинг фикрича, ҳукумат учун олиб борилаётган кўплаб урушларда асосий қурбонлар болалар ҳисобига тўғри келади. “Ҳар бир ҳалок бўлган аскар учун 5 та бегуноҳ боланинг ҳаёти

тўғри келиши ҳақида гапиришнинг ўзи уят” дейди Пол Роналдс.

Маълум бўлишича, дунёда 11 миллион бола гуманитар ёрдамга муҳтож ҳолда яшамоқда. БМТ берган маълумотга кўра, очлик каби бартараф этиши мумкин бўлган сабаблар туфайли ҳар 10 дақиқада битта 5 ёшгача бўлган гўдак вафот этмоқда. 2 миллион бола эса озиқ-овқат етишмаслиги туфайли ҳалок бўлмоқда.

***Islom.uz* портали таҳририяти**